ЎН БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ДАДИЛ ОДИМЛАРИ

КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИКА БОШЛАГАН ● № 4 (7394). ● 7 январь, 1981 йил ▲ ЧОРШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози механизаторлари баҳорги дала ишларида фойдаланиладиган техника воситалари ремонтини тугалладилар. Чопиқ ва ҳайдов тракторлари, сеялкалар, борона ва чизеллар ишга тахт қилинди. Ремонт сифатига алоҳида эътибор берилди. Суратларда: механизатор Эргаш Қўрғонбоев экиш агрегатини текшириб кўряпти; Қамбар Тоҳиров чигит экиш билан бир йўла далага минерал ўғитлар сепиб кетадиган мосламани созламоқда; ишга тахт қилинган техника воситалари.

В. Сироткин фотолари.

ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдирган Тошкент районидаги Навоий номли колхоз чорвадорлари катта ютуққа эришдилар. Давлатга 61 тонна гўшт сотилиб, бу соҳадаги йиллик план ошириб адо этилди. Гўштга топширилган ҳар бир қорамолнинг ўртача тирик вазни 473 килограммни ташкил этди.

Молларни жадал семиртиришда бўрдоқибоқарлар Қ. Юнусов, Р. Хўжаназаров, А. Тиллабўлдиевлар жонбозлик кўрсатишди.

Колхоз чорвадорлари давлатга сут сотиш бўйича биринчи квартал планини ҳам муддатидан илгари бажариш учун курашмоқдалар.

Т. ИСЛОМБОЕВА.

ФЕРМАЛАРДАН ХАБАРЛАР

● ОҲАНГАРОН. «Ғаллақудуқ» совхози сут-товар фермаси коллективи қиш даврида ҳам чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун социалистик мусобақани кенг авж олдирган. Бу мусобақада сут соғувчилардан В. Ходнева, Т. Толимбекова, Д. Тулебоева, Л. Степаненколар пешқадамлик қилаётирлар. Уларнинг ҳар бири кунига сигирлардан 10—12 литрдан сут соғиб олмоқда.

Совхоз чорвадорлари ўн биринчи беш йилликда сут, гўшт ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кескин кўпайтиришга қарор қилганлар.

Н. АБДУРАСУЛОВ.

● ТОШКЕНТ. С. Раҳимов номли колхоз район хўжаликларига зотли ғунажинлар етказиб беришга ихтисослаштирилган. Ўтган йили бу ерда парвариш қилинган 400 бошдан кўпроқ наслли ғунажин колхоз ва совхозлардаги сигирлар подасини тўлдирди.

Хўжаликда ёш бузоқлар ва ғунажинларни қиш даврида ҳам жадал семиртириш учун барча шароитлар мавжуд. 4280 тонна силос, 2100 тонна сенаж, 450 тонна табиий ўтлар пичанни, 120 тонна лавлаги жамғариб қўйилган. Улардан самарали фойдаланиш учун озуқа цехи ишга туширилди.

Бузоқ ва ғунажинларни жадал семиртиришда чорвадорлардан У. Муҳаммаджонова, Р. Темирова, Ҳ. Норматовлар жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Т. ЖУРАЕВ.

● ЧИНОЗ. Район хўжаликларида ўн биринчи беш йилликда гўшт етиштиришни кескин кўпайтириш учун чўчқачиликни ривожлантиришга катта эътибор бериляпти. «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозида ҳам чўчқачилик фермаси ташкил этилган. Бу ерда ҳозир 150 та чўчқа парваришланмоқда. Чорвадорлар чўчқаларни жадал семиртиряптилар. Утган йили гўштга топширилган ҳар бир чўчқанинг ўртача тирик вазни 150 килограммни ташкил этди.

Бу йил хўжалик чўчқачилик фермасини янада кенгайтириш мўлжалланяпти. Чўчқабоқарлар гўшт етиштириш ва давлатга сотиш бўйича белгиланган планларни муддатидан илгари бажаришга аҳд қилишган.

А. РАҲИМОВ.

● КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ЛОЙИҲАСИНИ МУҲОКАМА ҚИЛАМИЗ

● ТЕХНИКАНИ ЭКИШГА БАРВАҚТ ШАЙЛАЙЛИК

● ШАРАФЛИ МЕҲНАТ ЭВАЗИГА-МУКОФОТ

● ГЎШТ, СУТНИ КУПАЙТИРИШ ОМИЛЛАРИ

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК АКТИВИ ЙИҒИЛИШИ

Кеча область партия-хўжалик активи йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда «Саноат, қурилиш транспорт, алоқанинг 1980 йил ва ўнинчи беш йилликдаги иш якунлари ҳамда КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленуми талаблари асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш, иш сифатини яхшилаш, 1981 йил планини муддатидан илгари бажариш юзасидан область партия, совет, хўжалик ташкилотларининг вазифалари ҳақида» Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари **М. М. Мусахонов** доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари **К. П. Дудин**, Бекобод район партия комитетининг биринчи секретари **З. Т. Маҳсумов**, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг йиғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Т. Г. Павлова**, Ангрендаги «Резинатехника» заводи директори **И. Н. Искандаров**, Олмалиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **В. М. Муҳамедов**, Тошкент область касаба союзлари Совети секретари **С. У. Муҳамаджонова**, «Красный водопад» экспериментал базасининг оператор-сут соғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофоти лауреати **А. И. Чудная**, «Узбекшахтострой» тресті бригадири **Д. А. Зазулин** қатнашдилар.

Актив йиғилишида Тошкент область меҳнаткашларининг 1981 йил учун социалистик мажбуриятлари қабул қилинди.

Тошкентдаги канап фабрикасининг илғор ишчиси Тамара Кузина КПСС XXVI съездини муносиб меҳнат ютуқлари билан кутиб олиш учун социалистик мусобақага қўшилиб, смена топшириқларини 120—130 процент қилиб бажармоқда. Суратда: Тамара Кузина.

И. Глауберзон фотоси.

МИРЗАЧЎЛ КОММУНИСТЛАРИНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ГУЛИСТОН, 6 январь. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда IX Сирдарё область партия конференцияси ўз ишини тамомлади. Область партия комитетининг биринчи секретари В. А. Ҳайдуров обком номидан ҳисобот берди. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съезди учун «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳаси тўғрисида область ижроия комитетининг раиси И. У. Қўчқоров доклад қилди.

КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленуми қарорларидан ҳамда КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқидан руҳланган Мирзачўл коммунистлари, барча меҳнаткашлари партия XXV съезди қарорларини амалга ошириш соҳасидаги ўз меҳнати якунларини чиқараётганликлари, мамлакат коммунистларининг навбатдаги анжуманини муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўраётганликлари конференцияда уқтириб ўтилди.

Ҳисобот даврида область партия ташкилоти сон жиҳатдан ўсиб, ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди. У ўзининг бутун куч-ғайратини ташкилотчилик ва сиёсий иш савиясини такомиллаштиришга, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, резерваларни сафарбар этишга, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашни яхшилашга сарфлади. Фабрика ва заводларда кенг қулоч ёзган социалистик мусобақага коммунистлар бошчилик қилишди. 80 га яқин корхона, ташкилот, хўжалик коллективи, икки мингта цех, смена, бригада, участка, қарийб 20 минг ишчи ва колхозчи ўнинчи беш йиллик режаларини муддатидан илгари бажарди.

Беш йиллик мобайнида ялпи саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш областда 37 процент, шу жумладан халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш 85 процент кўпайди. Сирдарё ГРЭСида 5 та қудратли энергетика блоки, Гулистонда ёғ-экстракция ва сут заводлари, иккита пахта тозалаш заводи ишга туширилди.

Беш йил ичида 900 миллион сўмга яқин яъни тўқкизинчи беш йилликка нисбатан чорак баравар кўп капитал маблағ ўзлаштирилди. 33,7 минг гектар янги суғориладиган ер экинзорга айлантирилди. Илгаридан суғориб келинаётган ерлардан 65 минг гектарида мелиорация тадбирлари ўтказилди.

Мирзачўл пахтакорлари зарбдор меҳнат қилдилар. Давлатга 1 миллион 886 минг тоннадан кўпроқ яъни халқ хўжалик планида белгиланганидан 47,5 минг тонна кўп кўриқ пахтаси сотилди.

Конференция иштирокчилари обком, жойлардаги базъи партия комитетлари ишидаги мавжуд нуқсонларнинг сабабларини батафсил таҳлил этдилар. Партия ташкилотларининг социалистик мусобақага раҳбарлик қилишига, ҳужжатлар билан, меҳнаткашларнинг хатлари ва таклифлари билан ишлашни такомиллаштиришга кўпроқ эътибор бериш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Саноат корхоналарини реконструкция қилишни, янги қувватларни ўзлаштиришни тезлатиш керак. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини ошириш ишини яхшилаш ҳам лозим. Қишлоқ хўжалигида, айниқса пахтачиликни комплекс механизациялашда, сабзавот, полиз маҳсулотлари, узум етиштиришда ҳозирча ҳамма мавжуд резервлардан фойдаланилмаяпти.

Конференция делегатлари КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съезди учун тайёрлаган лойиҳаси асосида область олдида турган вазифаларни ишчанлик билан муҳокама қилдилар. Область саноатининг ялпи маҳсулоти келгуси ўн йил мобайнида 2,8 баравар кўпайтирилиши керак. Ўсишнинг бу қадар юксак суръатлари мавжуд қувватлардан янада тўла-тўкис фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш ва техника билан қайта қуроллантириш, шунингдек турли тармоқларнинг бир қанча янги корхоналарини қуриб, ўз вақтида ишга туширишни ҳисобига таъминланади. Ўнлаб завод ва фабрикаларни қуриш ҳамда реконструкциялаш белгиланмоқда.

1981—1985 йилларда областда 35 минг гектар янги ер ўзлаштирилади. Пахтачилик қишлоқ хўжалигининг аввалгидек етакчи тармоғи бўлиб қолаверади. Шу билан бирга дон хўжалиги, чорвачилик, бошқа тармоқлар янада ривож топади.

Делегатлар партиянинг доно ички ва ташқи сиёсатини, КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси ҳамда шахсан Леонид Ильич Брежневнинг собиқадам фаолиятини яқдиллик билан маъқулладилар, совет кишиларининг фаровонлигини ошириш тўғрисида тинимсиз қилинаётган ғамхўрлик учун партия билан ҳукуматга миннатдорчилик билдирдилар.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин конференцияда нутқ сўзлади.

Конференция область партия ташкилотининг раҳбар органларини, КПСС XXVI съездига ва Узбекистон Компартияси XX съездига делегатларни сайлади.

Конференция ишида КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими И. Е. Пономарев иштирок этди.

* * *

Область партия комитетининг ташкилий пленуми бўлди. Пленум **А. В. Ҳайдуровни** область партия комитетининг биринчи секретари; **Н. З. Зокировни** иккинчи секретари, **М. У. Умбетов, И. С. Умаров, А. А. Азимбековни** секретарлари қилиб сайлади.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

ЖИЗЗАХ, 6 январь. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда IV Жиззах область партия конференцияси иш бошлади. Область партия комитетининг биринчи секретари Т. Бойматов обком номидан ҳисобот доклади қилди.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидат Г. М. Орлов, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими В. И. Тимонин қатнашмоқдалар.

* * *

НАМАНГАН, 6 январь. (ЎзТАГ). XIV Наманган область партия конференцияси бугун ўз ишини бошлади. Область партия комитетининг биринчи секретари М. Камолов обкомнинг иши тўғрисида ҳисобот доклади қилди.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. А. Хўжаев иштирок этмоқда.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИМИЗ ЕТАКЧИЛАРИ

ДОВОНЛАР

(ЛАВҲА)

— Салкам 25 йил бош бухгалтер, иқтисодчи бўлиб, ёшингиз 45 га етганда бригадирликка ўтиб кетишингизнинг боиси нимада?

Савол сал қалтироқ бўлдими, Карим ака бироз вақт жим қолди. Унинг қорамағиз юзида жилмайиш ифодаси пайдо бўлди. Табиат ато қилган одатига кўра бошини оҳиста кўтариб, кўзларимизга тик қаради.

— Қолоқ бригадани кўтариш учун шу йўлни танлагандим, десам юз фоиз тўғри бўлмайди. — У салмоқли товушда вазминлик билан давом этди. — Тўғрисини айтсам, илгарилари изгирин шамоллар, қор-ёмғирли кунлар, жазирама офтобларда уззи-кун дала кезиб юриш азоб туюларди менга. Идорада ўтиравериб саломатлигим ёмонлашгач, мен учун икки йўлдан бирини танлаш қолганди: ё юракни чангаллаб, шифохонама-шифохона юриш, ёки бўлмасам, далага чиқиб толеимни синаб кўриш. Дала сари тортаётган яна бир куч, ҳали айтганимдек, қолоқ бригадани оёққа турғазиш ва илғорликка кўтариш орзуси ҳам юрагимда бор гап эди, албатта. Шундай қилиб денг, ҳам саломатликни, ҳам бригадани тиклаш йўлини танладик, ука. Бир ўқ билан икки қўённи овлаш қийин деганларидек, бунга осонликча эришиб бўлмас экан...

Карим аканинг тўғри сўз одам эканлигини билдириб турувчи ўткир ва самимий чеҳраси жиддийлашди, кўзларида ўйчанлик аломатлари кўринди. У бригадирлик қила бошлаган, 1970 йилнинг дастлабки даврини кўз олдига келтиради, чамаси...

8-бригада ҳақиқатан ҳам қолоқ эди ўша кезларда. Меҳнат интизоми бўш, айримлар қўл учида ишлар, натижада ҳосилдорлик пастлигича қолиб, планлар сира бажарилмасди. Колхозчилар янги бригадир — Карим Пайзибековнинг салобатли қадди-қоматига зимдан кўз югуртиришиб, кулимсираб қўйишар, бу одам кўпга чидармикин, дейишаётгандек бўлишарди. Карим ака буни сезса ҳам, сезмаганга олиб, тил топишиб кетармиз, деган ниятда ўзига далда берарди.

Дастлабки кунлар у иссиқ-қа чидолмай юрди. Кун тикка келганда баъзан ноилож уйга бориб, бироз салқинлаб келишга мажбур бўларди.

Шундай кунларнинг бирида суғорилаётган пайкаллар бошига келиб қолган Карим ака газабдан тутоқиб кетди. Бир кўнгли, ҳозироқ бориб сувчини етаклаб келаман-да, қилиб қўйган ишини кўзига кўрсатаман, деган фикрга борди. Бироқ бу ниятидан қайтди. «Бундай қилиш, бургага аччиқ қилиб кўрпага ўт қўйиш билан баробар-ку! Мен то бориб келгунча бу сув ҳамма ниҳолларни ювиб кетмайдими?!».

Карим ака енгларини шимариб, ишга киришиб кетди. Қўпайиб кетиб, ариқчаларни ювиб кетаётган ва кўчатларни бирин-кетин нобуд қилаётган сувни камайтирди, режалаб чиқди. Лойқа босган дала этакларига алам билан тикилиб тургач, катта-катта одим ташлаб қишлоқ томон жўнади. Бу пайтда сувчи Туймақул уйида мириқиб чой ичиб ўтирарди.

— Инсоф дегандан борми сенда. Экин сув остида қолди-ку!

Ҳеч кимга ҳали оғир гапирмаган янги бригадирнинг бу танбеҳи сувчига қаттиқ тегди шекилли кесатди:

— Бизнинг ҳам жонимиз ширин, салқинлагимиз келади...

Шу воқеа баҳона бўлиб, Карим ака анча нарсани тушунди: аввало, бригадир ҳар ишда шахсий намуна бўлиши, қолаверса, далада ишлаётган колхозчининг тушликда мириқиб дам олиши учун дала шийпонида зарур ҳамма шароитларни яратиб қўйиш керак экан.

Бора-бора қуёшнинг жазирама иссиғи ҳам бригадирга таъсир қилмайдиган бўлиб қолди. У энди эрталабдан то кечга қадар далада, колхозчилар орасида бирга бўлади. Меҳр икки кўзда деганларидек, жон-жаҳди билан ишлаётган Карим акани бригада аъзолари тезда ёқтириб қолдилар.

1977 йилга келиб, 8-бригадага қўшни 9-бригадани ҳам қўшиб бердилар. Бу ҳол қайнаб турган қозонга совуқ сув қўйгандек бўлди. Чунки, тар янги суғориладиган ер экинзорга айлантирилди. Илгаридан суғориб келинаётган ерлардан 65 минг гектарида мелиорация тадбирлари ўтказилди.

Мирзачўл пахтакорлари зарбдор меҳнат қилдилар. Давлатга 1 миллион 886 минг тоннадан кўпроқ яъни халқ хўжалик планида белгиланганидан 47,5 минг тонна кўп кўриқ пахтаси сотилди.

Конференция иштирокчилари обком, жойлардаги базъи партия комитетлари ишидаги мавжуд нуқсонларнинг сабабларини батафсил таҳлил этдилар. Партия ташкилотларининг социалистик мусобақага раҳбарлик қилишига, ҳужжатлар билан, меҳнаткашларнинг хатлари ва таклифлари билан ишлашни такомиллаштиришга кўпроқ эътибор бериш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Саноат корхоналарини реконструкция қилишни, янги қувватларни ўзлаштиришни тезлатиш керак. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини ошириш ишини яхшилаш ҳам лозим. Қишлоқ хўжалигида, айниқса пахтачиликни комплекс механизациялашда, сабзавот, полиз маҳсулотлари, узум етиштиришда ҳозирча ҳамма мавжуд резервлардан фойдаланилмаяпти.

Конференция делегатлари КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съезди учун тайёрлаган лойиҳаси асосида область олдида турган вазифаларни ишчанлик билан муҳокама қилдилар. Область саноатининг ялпи маҳсулоти келгуси ўн йил мобайнида 2,8 баравар кўпайтирилиши керак. Ўсишнинг бу қадар юксак суръатлари мавжуд қувватлардан янада тўла-тўкис фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш ва техника билан қайта қуроллантириш, шунингдек турли тармоқларнинг бир қанча янги корхоналарини қуриб, ўз вақтида ишга туширишни ҳисобига таъминланади. Ўнлаб завод ва фабрикаларни қуриш ҳамда реконструкциялаш белгиланмоқда.

1981—1985 йилларда областда 35 минг гектар янги ер ўзлаштирилади. Пахтачилик қишлоқ хўжалигининг аввалгидек етакчи тармоғи бўлиб қолаверади. Шу билан бирга дон хўжалиги, чорвачилик, бошқа тармоқлар янада ривож топади.

Делегатлар партиянинг доно ички ва ташқи сиёсатини, КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси ҳамда шахсан Леонид Ильич Брежневнинг собиқадам фаолиятини яқдиллик билан маъқулладилар, совет кишиларининг фаровонлигини ошириш тўғрисида тинимсиз қилинаётган ғамхўрлик учун партия билан ҳукуматга миннатдорчилик билдирдилар.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин конференцияда нутқ сўзлади.

Конференция область партия ташкилотининг раҳбар органларини, КПСС XXVI съездига ва Узбекистон Компартияси XX съездига делегатларни сайлади.

Конференция ишида КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими И. Е. Пономарев иштирок этди.

* * *

Область партия комитетининг ташкилий пленуми бўлди. Пленум **А. В. Ҳайдуровни** область партия комитетининг биринчи секретари; **Н. З. Зокировни** иккинчи секретари, **М. У. Умбетов, И. С. Умаров, А. А. Азимбековни** секретарлари қилиб сайлади.

Бу фидокор деҳқон, жонкуяр раҳбар Карим Пайзибековнинг кейинги ўн йил ичидаги ҳаётидан айрим лавҳалар, ҳолос. Асосий довонлар ҳали олдинда. Карим аканинг номини элга танитадиган қаҳрамонона ишлари энди бошланади.

АСАД АСИЛОВ,
Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхоз.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981-1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида

ИСТИҚБОЛ РЕЖАЛАРИ

ТАКЛИФЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР, МУАММОЛАР

МЕҲР-МУҲАББАТ ОҒУШИДА

Коммунистик партия ва совет ҳукумати совет хотин-қизларига муттасил ғамхўрлик кўрсатиб, уларнинг ижодий меҳнат қилишлари, фарзандларини тарбиялашлари, кўнгилли дам олишлари учун шароитлар яратиб бериш йўлида қатор тадбирларни амалга ошириб келмоқдалар. Янги бошланган беш йилликда бу ғамхўрлик янада кучаяди. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасида хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитини тобора яхшилаш масалалари алоҳида таъкидланди.

Асосий йўналишлар лойиҳасида шундай дейилади: «Ишловчи аёлларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини янада яхшилаш таъминлансин. Ишловчи аёллар учун мамлакат районларига қараб 1981 йилдан бошлаб бола бир ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилишга қисман пул тўланадиган отпуска жорий этилсин. Гўдаклари бўлган аёлларга тўлиқ бўлмаган иш куни, ёки тўлиқ бўлмаган иш ҳафтасида узлуксиз графикка мувофиқ, шунингдек, уйда ишлаш имкониятларини яратилсин. Рўзғордаги меҳнатни енгиллаштиришга доир самарали чоралар кўрилсин».

Ана шу ғамхўрликка жавобан районимиз хотин-қизлари келажакка ишонч руҳи билан дадил қадам ташлаётганликларини кўрсатиб турибди.

Орамизда пахтазор юлдузлари, илғор сут соғувчилар, кумуш тола нижодкорлари етишиб чиқаётганлиги ҳаммамиз учун қувончлидир. Султон Сегизбоев номли совхоз бригада бошлиқлари Марҳамат Искандарова, Офеля Рашидовалар ўтган беш йилликда мўл «каҳрабо дон» ва «оқ олтин» етиштиришда ўрнак кўрсатиб меҳнат қилдилар.

Область ва район партия комитетларининг аъзоси Мақсудахон Қўлдошевани ҳозир ҳамма танийди. Ўтган йили илғор сут соғувчи ўзига бириктирилган ҳар бир соғин сигирдан 5300 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олди. У ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида зиммасига бу кўрсаткични 5500 килограммга етказишдек масъулиятли мажбуриятни олган.

АЁЛ ҚАДРИ

Районда Мақсуданинг издошлари кўплаб топилади. «Ленинобод» колхозидан З. Раҳмонова, «Коммунизм» колхозидан И. Раҳмонова, «Ленинизм» колхозидан З. Субхонқуловалар шулар жумласидандир. Уларнинг ҳар бири сигирлардан 4500 килограммдан сут соғиб олмоқдалар.

Аёлларимиз меҳнати айниқса пиллачиликни ривожлантиришда самарали бўлмоқда. Қишлоқ хўжалигининг бу муҳим тармоғини ривожлантиришга, «кумуш тола» хирмонларига барака киритишга салмоқли ҳисса қўшаётган Куйбишев номли колхозидан Турсуной Сариқулова, «Коммунизм» колхозидан Ҳабира Тўраҳўжаева, «Оққўрғон» совхозидан Шаҳодат Абдураимова ва бошқа кўплаб илғор пиллакорларимиз меҳнати туфайли ўтган йилда 143,5 тонна ҳосил олинди.

Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлган пахтачиликни ривожлантиришни ҳам эндиликда хотин-қизлар меҳнатисиз тасаввур қилиб бўлмайди. «Ленинизм» колхозидан З. Мусулмонқулова, Х. Олимжон номли колхозидан Х. Сулаймонова каби илғор пахтакорларимиз номини районда ҳурмат билан тилга оладилар.

Хотин-қизлар жамоат ишларида ҳам актив қатнашмоқдалар. Районда фаолият кўрсатаётган 50 дан ортиқ хотин-қизлар советларига олий маълумотли, тажрибали аёллар раҳбарлик қилиб келмоқдалар. Айниқса, «Ленинобод» колхози хотин-қизлар Совети раиси А. Султонсаидова, «Алимкент» пахта заводи хотин-қизлар Совети раиси Н. Д. Лобода ва бошқалар диққатга сазовор ишларни амалга оширмоқдалар.

Районда йилдан-йилга оналик ва болаликни ҳимоя қилиш муассасалари шахобчалари кенгаймоқда. Кейинги йилларда 90 ўринли болалар боғчаси, 1176 ўринли мактаб қуриб, фойдаланишга топширилди. Ҳозир боғча-яслиларда 1200 дан ортиқ кичкинтойлар тарбияланмоқда. Хотин-қизлар консультацияси иши ҳам яхшиланди. Врачлардан М. Султонсаидова, С. Мирзакаримова, М. Иноятхўжаевалар аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида бор билим ва тажрибаларини ишга солмоқдалар. Ана шу тадбирларнинг ҳаммаси хотин-қизлар меҳнат ва турмуш шароити сезиларли даражада яхшиланишига хизмат қиляпти.

Партия ва ҳукуматимизнинг аёлларга ғамхўрлигини қаҳрамон оналар мисолида янада яққолроқ кўриш мумкин. Ҳозир районда 286 нафар аёл «Қаҳрамон она» унвонига сазовор бўлган. Улар 10 ва ундан ортиқ болани тарбиялаб, коммунизмнинг актив қурувчилари қилиб етиштирибгина қолмай, халқ хўжалигининг турли соҳаларида фидокорона меҳнатлари билан ҳам ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлмоқдалар. Жумладан, Куйбишев номли колхозидан 12 болали «Қаҳрамон она» Турсуной Сариқулова ҳар йили 2—5 қутидан ипак қурти парваришлайди.

Районимиз хотин-қизлари КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасини зўр қизиқиш билан ўрганиб консультацияси иши ҳам яхшиланди. Врачлардан М. Султонсаидова, С. Мирзакаримова, М. Иноятхўжаевалар аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида бор билим ва тажрибаларини ишга солмоқдалар. Ана шу тадбирларнинг ҳаммаси хотин-қизлар меҳнат ва турмуш шароити сезиларли даражада яхшиланишига хизмат қиляпти.

С. ИУЛДОШЕВА,
Оққўрғон район партия комитетининг секретари.

ЗАРБДОР ВАХТА

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасидан руҳланган «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчилари суръатга-суръат қўшиб меҳнат қилмоқдалар. Кўпчилик трикотажчилар графикдан ўзиб ишлашяпти. Суратларда: коммунистик меҳнат зарбдорлари Лариса Гусева ва Фотима Нодирбековалар иш устида.

А. Тўраев ва И. Глаубер-зон фотолари.

ҲАМКОРЛИК КУЧАЯДИ

Халқ хўжалигини малакали мутахассис кадрлар билан таъминлаш давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим вазифадир. Бу масаланинг муваффақиятли ҳал этилиши эса олий ўқув юртлари фаолиятига бевосита боғлиқ. Шу сабабли студентларнинг профессионал тайёргарлигини ошириш, уларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан чиниқтириш ишларини янада яхшилашга эътибор кучаймоқда.

Ўқув планлари ва программалари фан-техниканинг энг янги ютуқлари, илғор тажрибалар асосида такомиллаштирилаётгани айни муддао бўлиб қолмоқда. Олий мактабнинг бугунги фаолиятини илмий-тадқиқотларсиз тасаввур қилиш қийин, албатта. Фан ва техника кенг ривожланаётган ҳозирги пайтда бу масала муҳим аҳамият касб этаётир.

Мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида партия Марказий Комитетининг КПСС XXVI съездига лойиҳасида илмий-техника тараққиёти билан боғлиқ мазкур соҳага катта аҳамият берилгани бежиз эмас.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Олий мактабни янада ривожлантириш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш тўғрисида»ги қарорида таъкидлаб ўтилганидек, олий ўқув юртларининг илмий-тадқиқот ишларини мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш вазифалари билан чамбарчас боғлаб ташкил этиш, энг муҳим фан-техника ва социал-иқтисодий проблемаларни ҳал этишда институтларнинг илмий имкониятларидан янада самаралироқ фойдаланиш замон тақозоси бўлиб қолди. Ана шу қарор асосида институтимизда ҳам муҳим тадбирлар белгиланди.

Институт ректорати, факультетлар, илмий совет, партия комитети, касаба союз ташкилоти профессор ва ўқитувчилар билан ҳамкорликда илмий ишларни ташкил этишнинг конкрет вазифаларини ишлаб чиқди. Ўтган йилнинг ўзида институтимиз олимлари томонидан 25 та муҳим мавзуга якун ясалди ва улар ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Бу йил эса бажариладиган илмий ишлар кўлами янада кенгайди.

Илмий ишларнинг яна ҳам самарали бўлишини таъминлашда институтимиз билан ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги ҳамкорлик муҳим ўрин тутаётир. Профессор ва ўқитувчиларимиз томонидан корхоналар талаби асосида бажарилаётган илмий ишлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Кейинги беш йил ичида институтимиз турли корхоналар билан 29 та ана шундай шартнома тузди. Бу шартномалар ўзининг перспектив аҳамияти билан диққатга сазовордир. Шу билан бирга уларнинг географик доираси ҳам жуда кенг. Биз Совет Иттифоқидаги деярли кўпчилик автотранспорт корхоналари ва қатор илмий-тадқиқот институтлари билан яқин илмий алоқа боғлаганмиз. Горький автомобиль заводи, Ярославль мотор заводи, Минск ва Лихачев номидаги автозаводлар билан тузилган ҳамдўстлик шартномаларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз.

ФАН

Республикамизнинг ўзида ҳам бундай ҳамкор корхоналар анчагина. Булар орасида «Средазнигаз», «Узавторемонт» бирлашмаси, Ўзбекистон ССР Йўл қурилиши министрлигига қарашли йўл қурилиши материаллари комбинати ҳам бор.

Мотор ёнилғиси сифатида газдан фойдаланишга ўтиш йўлида дастлабки ишлар амалга оширилди. Эндиликда бу масала ўзига кенг йўл очмоқда. Газ конденсатини мотор ёнилғиси ўрнида ишлатиш ҳам пухта илмий кузатишни талаб қилади. Ҳозир институтда ана шу соҳада катта жиддий иш олиб борилмоқда. Бунга бир йўла тўрта кафедра жалб қилинди. Челябинск политехника институти ва Сибирь автомобиль транспорти ва йўллари институти олимлари ҳам мазкур муаммони ижобий ҳал этишга яқиндан бош қўшмоқдалар.

Институтимизнинг ўқув моддий базаси мустаҳкамланиб бораётганлигини ҳам айтиб ўтиш керак. Ўқиш ва илмий фаолият учун зарур барча асбоб-ускуналар билан жиҳозланган лабораторияларга эгамиз. Шу ўринда автомобилларнинг техника эксплуатацияси кафедрасини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Кафедрага Беруний номидаги Давлат мукофотининг лауреати, Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлар академиясининг мухбир-аъзоси, техника фанлари доктори, профессор Носир Рашидов раҳбарлик қилмоқда. Кафедра ижодкор студентлар учун ҳам тадқиқот марказига айланиб қолди. Автомобиль агрегатларини текшириш ва бошқариш жараёнларини ўрганишда замонавий контроль-диагностика асбоб-ускуналари ва стендлар жуда қўл келмоқда.

Кафедра ўзининг лабораторияларидаги илмий тадқиқотларнинг кўлами ҳам анча кенгайди. Улар келажакда ўқув-илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси учун таянч пункти бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ундан ўқув аудиторияси сифатида ҳам, илмий лаборатория сифатида ҳам, ишлаб чиқариш цехи сифатида ҳам фойдаланилади.

Институтимизнинг илмий кадрлар тайёрлаш соҳасидаги тажрибаси ҳамда илмий-тадқиқотларни ташкил этиш борасидаги фаолияти Ўзбекистон КП Тошкент область комитети томонидан маъқулланди ҳамда жойларда кенг жорий этишга тавсия этилди. Шу билан бирга Ўзбекистон ССР Олий Советининг фан ва маданият бўйича комиссияси қарорида бизда амалга оширилган илмий-тадқиқотлар ҳамда хўжалик шартномаси асосида бажарилган ишлар ижобий баҳоланди.

Асосий йўналишлар лойиҳасида олий ўқув юртлари олимларининг саноат корхоналари билан хўжалик шартномасини тузиши ва бу вазифанинг муваффақиятини таъминлаши зарур деб кўрсатилади. Айниқса, **«Транспорт воситаларининг принципиал янги турлари, шунингдек, ёқилғи ва энергия сарфи анча қисқартирилишини таъминлайдиган транспорт энергия кучи қурилмалари яратилсин»** деган жумла бизга жуда маъқул бўлди.

Баъзан истиқболсиз, иҳтиёрий ишлаб чиқаришга жуда кам фойда етказадиган изланишларга «берилиб» кетиш ҳоллари ҳам учраб туради. Ваҳоланки, партия биздан экономикамизга кўпроқ ва сифатлироқ фойда берадиган илмий хулосаларни кутмоқда. Шу муносабат билан юқорида таъкидланган жумлалар ёнига **«Транспорт воситаларининг янги турларини яратишда шу соҳа билан боғлиқ бўлган олий ўқув юртлари олимлари фундаменталь тадқиқотлар яратишга ва унинг самарадорлигини оширишга эришсинлар»** деган сатрларни ҳам қўшиб қўйилишини истар эдик.

Фан ва техниканинг ана шу йўналиши билан боғлиқ қатор масалалар институтимиз шароитида муваффақиятли ҳал этилаётгани бу ерда илмий-тадқиқотлар кўлами кенгайиб бораётганлигини кўрсатади. Янги беш йилликда ҳам олимларимиз бу ишларни муваффақият билан давом эттириб, янги-янги илмий жасоратларга қўл урадилар, деган умиддамиз. Бунинг учун барча шароит ва имкониятлар бор.

О. ҒАНИХЎЖАЕВ,
Тошкент автомобиль транспорти ва йўллари институтининг проректори.

ФАРОВОНЛИК САРИ

Ф. Энгельс номли Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтининг немис тили факультетида «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳасини муҳокама қилишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда сўзга чиққан институт КПСС тарихи кафедрасининг доценти Р. Шарипов бу лойиҳа халқимизнинг турмуш фаровонлиги ва маданиятини ривожлантириш тўғрисидаги муҳим ҳужжат эканлигини таъкидлади. Доцент Ш. Рўзиев, бешинчи курс студентлари Э. Иванов, Р. Шоҳисломова ва бошқалар ҳам КПСС Марказий Комитети лойиҳасининг афзалликлари, унда олий, ўрта ва махсус таълимни ривожлантиришга кенг ўрин берилганлиги тўғрисида гапирдилар.

Йиғилишда сўзга чиққан факультет деканининг ўринбосари доцент Н. О. Байбурин, катта ўқитувчи М. Фаттохов ва бошқалар ҳам лойиҳанинг айрим қисмлари устида тўхталиб, ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Ш. ЖУРАҚУЛОВ,
Ф. Энгельс номли Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтининг студенти.

ҲАР БИР ХАТ—НАЗОРАТДА

Область партия комитети Ангрен шаҳар партия комитетининг меҳнаткашларни қабул қилиш ва хатлар билан ишлашни такомиллаштириш соҳасидаги фаолиятини кўриб чиқиб, бу борада кўпгина ҳайрли тадбирлар амалга оширилганлигини таъкидлади.

Шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитетида хатлар ва гражданларнинг оғзаки аризалари билан ишлашнинг аниқ системаси вужудга келган. Кўпгина партия ташкилотлари хатларни ҳисобга олишни тартибга келтириб, меҳнаткашлар аризаларини кўриб чиқишни доимий назорат остига олганлар.

«Ангренская правда» газетаси саҳифаларида редакцияга келган хатлардан тузилган саҳифалар, меҳнаткашлар фикр ва мулоҳазаларини амалга ошириш юзасидан кўрилган тадбирлар тўғрисидаги хабарлар бериб борилаяпти. Шаҳар ташкилотлари газета чиқишларига ўз вақтида жавоб қайтаришяпти.

Гражданларга қулайлик яратиш ва иш вақтидан унумли фойдаланиш мақсадида шахсий масалалар юзасидан қабул қилиш иш вақтидан ташқари ва шанба кунлари ўтказилади. Шаҳар партия комитети секретарлари ва ижроия комитет раҳбарлари махсус ишлаб чиқилган график бўйича бевосита меҳнат коллективларида бўлиб, гражданларни қабул қилмоқдалар. Бу тадбир ёзма аризалар сонини 1,5 марта қисқартириш имконини берди.

Шаҳар партия комитетининг меҳнаткашлар хатларини ва аризаларини кўриб чиқиш бўйича ташкил этилган комиссияси саноат ва маиший-коммунал хизмат корхоналари ишини мунтазам назорат қилиб турибди. Ишчи ва хизматчиларнинг хатларда ва оғзаки аризаларда билдирган фикр ва мулоҳазаларини шаҳар партия комитети ва ижроия комитети қарорларида умумлаштирилган.

Бекободдаги Ўзбекистон металлургия заводи коллективи ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб зарбдорчасига ишламоқда. КПСС XXVI съезди шарафига ўтказилаётган социалистик мусобақада мастер В. Дубов сменаси пешқадамлик қилмоқда. Суратда: илғор пўлат эритувчи Р. Нуртоев ва смена мастери В. Дубов.

В. Сироткин фотоси.

ЎРИНБОСАРЛАР МАСКАНИ

Чирчиқ шаҳар партия комитети ўз бюро мажлисида «Ўзбекхиммаш» заводи ва 13-давлат ўрта ҳунар-техника билим юртни партия ташкилотларининг КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими системасида ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш жараёнини янада такомиллаштириш тўғрисидаги қарорини бажариш соҳасида муайян ишлар амалга оширилганлигини таъкидлади.

Ҳунар-техника билим юртида 650 йигит-қиз таълим олмоқда. Улар 7 хил касбни ўрганиш билан бирга ўрта маълумот ҳам олишяпти. Билим юртида меҳнат қилаётган 36 ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими мастерларидан 13 киши КПСС аъзоларидир, 24 киши эса олий маълумотлидир.

Билим юртида ишлаб турган «Еш мастер мактаби», иккита техник ва гуманитар фанлар бўйича методик секция ўқитувчиларга катта ёрдам берянти. 26 та кабинет ва 2 та лаборатория замонавий техника воситалари билан жиҳозланган. Машғулотларда таълим бериш ва назорат қилишнинг программалаштирилган методлари қўлланилаётганлиги ўқувчилар билими савиясини мунтазам оширишга хизмат қиляпти. Кейинги уч йил ичида ишлаб чиқариш таълими сифати 5,7 процентга, назарий билимлар сифати эса икки баробар ошди.

Билим юртида таълим олаётган ёшларнинг интернационал ва ҳарбий ватанпарварлик тарбияси яхшиланмоқда. 322 ўқувчи шу ердаги 9 та спорт секциясида, 132 йигит-қиз бадиий ҳаваскорлик тўгарагида шуғулланмоқда.

СССР Олий Совети депутатларидан бир группаси КПСС XXVI съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун социалистик мусобақани янада авж олдириш ташаббуси билан чиққан эдилар. Ташаббус областимиз меҳнаткашлари томонидан ҳам қизғин қўллаб-қувватланди. Ҳозирги кунда 4030 нафар депутат социалистик мусобақада актив қатнашиб, илғор тажрибаларни кенг ёйиш ва ишлаб чиқаришга тезкорлик билан жорий этиш Бутуниттифоқ ҳаракатининг олдинги сафларида бормоқдалар.

Областимизнинг кўпгина меҳнат коллективлари «КПСС XXVI съездига — 26 зарбдор ҳафта» шиори остида мусобақани тобора авж олдираяпти. Уларнинг ташкилотчилари — маҳаллий Советларнинг депутатлари съездолди шахсий мажбуриятларини ортиғи билан адо этмоқдалар.

Областимиздаги 579 корхона, 5132 бригада коллективи «Қолоқларсиз ишлайлик» шиори билан меҳнат қилмоқда. Бу ҳаракатга кўпгина ишчи-хизматчиларнинг 3171 нафари маҳаллий Советларнинг депутатларидир.

1980 йил планини Улуғ Октябрь байрами арафасида бажарган 325 корхона, 1415 ташкилот, колхоз ва совхозлар меҳнат аҳдининг эришган муваффақиятларида шубҳасиз депутатларимизнинг ҳиссаси катта. Илғорларнинг олдинги қаторида бораётганларнинг 2 минг нафардан зиёди бир неча чақириқдан буён халқ ишончига сазовор бўлаётган депутатлардир.

Коммунистларнинг улкан анжуманини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақа давомида янги-янги ватанпарварлик ташаббуслари юзага келмоқда. Корхона ва муассасаларда қўплаб меҳнат илғорларининг номи кўпчиликка танилди. Ангрен юклаш-тушириш транспорт бошқармасининг депутат В. Записоцкий етакчилик қилаётган комсомол-ёшлар коллективи шаҳарда биринчи бўлиб беш йилликни муддатидан илгари бажариш ташаббуси билан чиқди. Бу коллектив КПСС XXVI съезди шарафли номини олиш учун социалистик мусобақани бошлаб берди. Бу чақириққа шаҳардаги 37 та комсомол-ёшлар коллективлари қўшилдилар ва 1980 йилнинг 21 ноябрида ўз сўзларининг устидан шараф билан чиққанликлари ҳақида рапорт бердилар.

Олмалиқ «Стальмонтаж» бошқармаси коллективи социалистик мусобақада анчадан буён голибликни қўлдан бермай келмоқда. Бошқармаси-нинг Л. Шученов бошлиқ илғор монтажчилар бригадаси очиладиган кунги муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга аҳд қилганлар. Транспорт ташкилотларида «Қолоқларсиз ва йўл транспорт қоидаларини бузмасдан ишлайлик» ва «Пассажирларга маданий хизмат кўрсатайлик» шиорлари остида бошланган ташаббуслар депутатлар томонидан кенг ёйилмоқда.

Мамлакат сиёсий ҳаётида актив қатнашиб келаётган областимиз маҳаллий Советларининг депутатлари асосий йўналишлар лойиҳасини қизғин муҳокамаларда, бунга жавобан ишлаб чиқариш ва жамоат ишларида актив қатнашмоқдалар, иш вақтидан самарали фойдаланиш, коллективларда социалистик мусобақанинг оммавийлиги ва ошкоралигини таъминлашга интилмоқдалар.

Социалистик мусобақа — жамиятимизнинг ҳаракатлантирувчи, қудратли илҳомбахш кучидир. Ким қаерда ишламасин, бу ҳаракатда иштирок этиши, депутатлар эса социалистик мусобақани ташкил этиш, оммавийлаштиришда ташкилотчилик намуналарини кўрсатишлари зарур. Шунинг учун асосий йўналишларнинг 12-бобидаги **«Социалистик мусобақани ташкил этиш яхшилансин»** деб бошланадиган абзацга қуйидаги жумлани қўшиб ёзишни таклиф этаман: **«Советларнинг социалистик мусобақани ривожлантиришдаги роли оширилсин, мусобақада депутатларнинг авангардлиги таъминлансин».**

Н. ИВАНКИНА,
область ижроия комитети ташкилий-инструкторлик бўлимининг инструктори.

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

ДЕПУТАТЛАР—МУСОБАҚА ТАШАББУСКОРИ

Адабиёт ва санъат

СЎЗ — ШОИР ТУРСУН МУҲАММАДГА



Ёш шоир Турсун Муҳаммад анча йиллардан бери шеър машқ қилиб келади. Унинг шеърлари республикамиз газета ва журналларида эълон қилинган.

Турсун Муҳаммад ўз машқларида кўпроқ жонажон юртимизни мадҳ этишга интилади. Ўзига хос тақлиқ беҳ ва оҳанглар топади.

Қуйида сиз шоирнинг янги шеърлари билан танишасиз.

Чарчамас

Дамба-дам чархлаб дилингни чархи даврон чарчамас,
Чархи даврон ичра карвон тойса дармон, чарчамас.
Ўт, суву тош асри аро минг балолиғ кўрди ер,
Тортса ҳам уммон жафо-ю уммон афғон, чарчамас.
Ким дийр ишқига виждон амри бирла қўйса ишқ,
Эл ўзи этгай фаровон, тандаги жон чарчамас.
Сен ҳам эй Турсун Муҳаммад, элни сев, тупроқни ўп,
Эл деган карвон бошидан кетса армон, чарчамас.

ИНСОНЛИК БУРЧИМ

Мурғак кўзларимни илк бор очиб мен
Ажиб бир чароғон олам кўрганман.
Қийқириб-талпиниб, кулгу сочиб мен,
Руҳим навбаҳорин нурга кўмганман.

Сувлар тинч оқарди гўё бетўлқин,
Олам яшнар экан дер эдим қорсиз.
Лаззати топилмас ўша дилбар кун
Баркамол онамдек эди ғуборсиз...

Бугуни ўзгачадир қошимда дунё,
Кураш бўронлари шоширар ақлим.
Қуёшдан ўт узиб оларман, гўё.
Хазонрез боғларга этгали тақдим.

То ҳаёт эканман, инсонлик бурчим
Оқсамай бир умр айларман адо.
Юракда қолмагай армон-ўкинчим,
Жаҳон коммунаси бўлганда пайдо.

РУБОЙЛАР

Қуёшни инъом этган фалак бизга жаҳондир,
Тун фонуси тўлин ой-малак бизга жаҳондир.
Эзгуликда қуёш-у тўлин ойдан устунроқ
Баркамол инсондаги юрак бизга жаҳондир.

Оқиллар бор экан бор бўлгай жаҳон,
Разилларга қолса хор бўлгай жаҳон.

Разиллик манзили — мағлубиятдир,
Разилларга охир дор бўлгай жаҳон.

Токай, шеъردан ўзга ором топмадим,
Шу ором лаззатин ҳар он топмадим.
Май-ю гул бодасин сеҳридан мастман,
Лек назм майидек май—жом топмадим.

Турсун МУҲАММАД.

Пойтахтдаги Темирйўлчилар саройи кутубхонасининг фонди кундан-кунга янги китоблар билан бойиб бормоқда. Турли соҳаларни қамраб олувчи бу ердаги китобларнинг миқдори 70 мингдан ошиб кетди. Суратда: кутубхона ходимлари (чапдан) Т. Юханова ва Н. Данилова китобхонларга зарур адабиётларни танлашда ёрдам бермоқдалар.

«Ташкенткабель» заводининг маданият саройи қошида ташкил қилинган рақс ансамбли иштирокчилари ишчилар ҳузурида тез-тез ўз санъатларини намойиш этишади. Суратда: ансамблининг раққосалари — (чапдан) Д. Шомуродова ва М. Холиқова.

В. Сироткин ва И. Глауберзон фотолари.

БАХТИЁР ЎЛКАМ БИЛАН

Ифтихорим чексиздур пахтакор ўлкам билан,
Арзигай ҳар қанча қилсам ифтихор ўлкам билан.

Ер юзида ҳеч гулшан теңглашолмас ҳуси аро,
Бойлиги дурдона бўлган пахтазор ўлкам билан.

Қай чаманнинг гулларида дур-жавоҳир ғуж-ғуж;
Қай бир олам беллашур бу дурнисор ўлкам билан.

Пахтазор ичра юриб, қалбим тароват завқида,
Бахт насими ёрдур бу беғубор ўлкам билан.

Ҳур диёрим мунаввар «оқ олтин»нинг нуридан,
Ҳар латофат ошиқдур навбаҳор ўлкам билан.

Ҳамватанлар обрўйи — пахтакор унвонимиз,
Юксалишлар ҳамнафасдур бахтиёр ўлкам билан.

Тинчлик — дўстлик ниҳолин ҳосили улкан бу дам,
Ҳузурий баҳам кўрар зарнисор ўлкам билан.

Юсуфжон ҲУЗУРИЙ.

САЙЁР

ОДАМ БОРКИ...

Шоир ва ёзувчи Сайёрнинг «Одам борки» қиссаси ўсмир бола Равшанинг қандай қилиб Тошкент трактор заводи ишчиси деган фахрли номга эга бўлгани ҳақида ҳикоя қилади. Қуйидаги парчада Равшан ва у орқали завод ишчилари ҳаётидан олинган лавҳалар билан танишасиз.

САТТОР ОТА ҲИКОЯСИ

Қорамағиздан келган, қотма, жиззак Саттор Муродовни биринчи бор Равшан Анна опасиникида кўрган эди. Уни Анна Ленин ордени кавалери, хизмат кўрсатган ишчи деб таништирган эди ҳаммага. Равшан уни бир марта уйнага кузатиб қўйган ҳам эди. Ота ўз бобосига асло ўхшамайди, ахир бобоси ўрта бўй, соқол-мўйлаб қўйган, оқ яхтак устидан мовут чопон кийиб юрадиган киши. Дўпписини ухлаганда ҳам ечмагани учун бошининг дўппи ўрни оппоқ бўлиб ажралиб туради. Ҳар гал намоз олдидан яхшилаб ювинади. Равшан кичкина вақтида унга обдастадан сув қуяр, бобоси ўшанда дўпписини бир қўлига олиб, иккинчи қўли билан офтоб тегмаган оппоқ бошини ҳўллаб қўяр эди.

Лекин ҳар гал заводда Саттор отани кўрди дегунча ўз бобоси ёдига тушади. Ё ҳамма қарияларда бир-бирига ўхшашлик бормикин. Афти-ангори ўхшамаса ҳам дарҳақиқат улар бир-бирларига ўхшайдилар. Вазминлик, бир қадар сиполикка ўхшаган ҳолатлари биланми ёки ҳаёт аччиқ-чучугини тотавериб донишманд бўлиб кетганларими ёки «қолган умрим фойдага», деб ҳар инсон юмушига кор, дардига малҳам бўлганларими, хуллас, Равшан ҳамма қарияларда донолик, инсонийликни кўради.

Равшан ҳозир «бобомни соғинибман, бир хат ёзай, армоним арисин» деб кўнглидан ўтказди. Ётоққа келса, бобоси келиб, уни кутиб ўтирибди.

— Ассалому алайкум! — деб кўксига икки қўлини қўйиб бошини эгди Равшан.

— Балли, балли, болам. Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмайди, деганлар маъқойихлар. Ҳо, одам бўлиб, қолибсан!

Бобо ҳам, набира ҳам бараварига кулишиб қучоқлашиб кетишди.

— Қайси шамол учирди, бобожон! — дейди Равшан йўқчини яширолмай ва «мен ҳозир» деб чой қўйгани тараддудланди.

— Олис йўл отни синайди, оғир йўл марди, деб эсни сиғмагани келдим. Болам, овора бўлма, ҳозир кетамиз. Меҳмонга айтилганмиз, — деди бобоси сиполик билан.

— Қанақа меҳмон. мен сизни ҳеч каёққа юбормайман! — деди қатъий қилиб Равшан ва бобоси ҳозир кетиб қолаётгандай унинг йўлини тўсди.

— Ҳозир ҳаммасини айтиб бераман, — деди аста жилмаяр экан қария.

— Сени қидириб бора турган эдим, йўлакда бир қарияга дуч келдим. Ҳар ҳолда кўпни кўрган одам, бир сўрайчи, дедим. У киши сени танир экан. Дарров суриштира кетдилар. Ётоқхонададир деган дарак келди. Бу ёққача ҳамроҳ бўлиб келдилар, сўнгра «кечкурун хизматда бўлай, албатта ташриф буюринг!» деб кетдилар.

— Саттор отами? Ўзим ҳам билувдим-а? Сиз ҳақингизда бир айтиб берувдим. Таниши олибсизлар-да?!

— Худди шундай, болам бўлмаса оламда одам кўп. Тақдирдан эса қочиб қутилиб бўлмайди. Туз-насибанг қўшилган экан, мана бу ёқларда териб юрибсан!

Бобо гапни узоқдан бошлади. Бу гап улар автобусда Саттор отаникига кетишаётганда ҳам, ҳатто у кишининг қўрғонига етганда ҳам давом этди.

Чиндан ҳам Саттор ота тайёргарлик кўриб дастурхон тузаб кутиб ўтирган экан. Саттор отанинг аёллари ёшига нисбатан чаққонлик билан хизмат қилиб юрар эди.

Кеч бўлди. Қариялар ётишди. Равшан ёндаги хонадаги диванга чўзилди. Лекин алламаҳалгача ухлолмади. Чунки, Саттор ота трактор заводининг туғилишидан тарих айтар эди.

Саттор ота аввалари аравакаш бўлган. «Ота касбим... ҳарна бўлса улов.одамларнинг кунига ярайман, бир-яримни ҳожатини чиқарсам, қуруқ қўйишмас», деб от-аравага меҳр ҳам қўйган. Лекин тез орада уруш бошланиб қолади. Уни рабочий батальонга ишга олишади. Шу завод қурилишига юборишади. У қурилишда гишт

(ҚИССАДАН ПАРЧА)

ташувчи бўлиб ишлайди. Кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилади. Кунлар шу зайл ўта беради. Завод бита боргани сари урушдан ҳунук хабарлар кўршапалакдек учиб келар, ҳаммани ваҳм босар, тирик жонни бор фронт учун бел боғлаган дамлар эди. Саттор ҳам бир неча бор фронтга жўнаш пайида бўлди. Лекин туз-насиба қўшилмаган экан, заводда қолаверди.

Қария ўша узоқ, оғир йилларни енгил кулиб эслади. Хотиралар мавжланиб оққан сувдай тошиб кела берди. Энди Саттор отага уни бирор ким эшитаяптими, йўқми барибир. У энг аввало ўзи учун сўзлар, ўз ҳаётини яна қайта бошдан яшаётгандай ҳаяжонланар, ўпкаси тўлиб энтиқиб ҳам олар эди.

— Ўзим заводда ишлайману, уйдагилар: «мева — сабзавот омборхонасида ишлайсиз, бир этак помидор кўтара келсангиз отдан тушиб қоласизми», — дейишади. Хотин зотига ҳамма гапни айтиб, иттифоқо, тушунтириб бўлмаса. Бир куни заводимиз дарвозасидаги ёзувга кўзим тушиб қолди. Чиндан ҳам унда: «Аҳолидан фронт учун мева ва сабзавот сотиб олинади», деб ёзилган экан. Э. гап бу ёқда эканда, деб ўзимча кулиб қўйдим. Дарҳақиқат, қўшни майдонда колхозлар давлатга мева-чева топшириширди.

Бу заводимизнинг туғилиш йиллари ҳангомаси. Мана шу ишчи қўли билан, ишчи қўллари билан яратдик заводимизни. Кейин у ихтисослашди. Турли хилдаги халқ хўжалик маҳсулотлари чиқара бошладик.

Сўзлайман десам, гап кўп. Заводимиз тарихи катта, Гапни шу ерда мухтасар қилиб, заводда бўлаётган катта ютуқлардан икки оғиз айтиб қўяй. Кўрган бўлсангиз, илгари трактор кабинасининг эшиклари икки бўлак бўларди. Бу икки бор меҳнат, неча марта қайта қуриш, у ёққа бу ёққа сур билан бўларди. Энди 27-цех усталари, цех бошлиғи Айрапетян раҳбарлигида Истомин, Лисенко, Фролов, Аносов, Хачатурян деган ҳамкасбларимиз эшикнинг бир бутун пресслов йўлини топишди. Иш икки баробар осонлашди. Ҳаражат камайди. Йилига 27 минг дона эшик тайёрлаш имкони туғилди.

— Директор боланинг қадами қутлуғ келди, — деб суҳбатини давом эттирди Саттор ота.

— Қайсинисини айтаяпсиз? — деб юборди Равшан, яна тарихдан гап бошлаяптилар шеклли деган ўй билан.

— Шунисини айтяпман, Темур Пўлатовични! Ёш каллада зиё кўп бўлар экан. Москвада ўқиган-да, устозларингдан ўргулай. Янги келганда, ҳайрон бўлдик, бизни эшитадию, ўзи гапирмайди. Бу қандоқ бўлди. Бир куни айтдим ҳам. Болам, саломдан бошқа гапни сизга ўргатишмагаими, деб. Кулиб қўйди. Яна гапирмади. О, барака топгур-ей, ичимдагини топ, дейдиганлардан экан.

Энди қарасам, гапи кўп экан. Кеча ўзининг ҳонасига чақириб гапириб берди. Конструкторларни йиғиб, бирга ишлаб, бир ижод қилибди, денг. Тормоз синхронизатор яратибди. Ўнг ҳамма транспорт воситаларига жорий этиш мумкин экан. У нима degани дейсизми? Сўраганг уялиб турибсиз-а, оқсоқол?

Хўп, одми қилиб тушунтириб қўяй бўлмаса. Илгари бир трактор учтадан ортиқ прицеп тортолмасди. Тортарди-ю, лекин охиргилари йўлдан чиқиб кетарди. Юк ортилган бўлса, тормоз берилса, тракторни тортиб, ағдариб юбориши ҳам ҳеч гап эмас. Лекин 80 от кучига эга тракторга ўнта прицеп уланса ҳам тортади. Нима қилиш керак. Шунда ёш директор бошлиқ бир тўда олимлар ўйлай-ўйлай одатдаги шатак қурилма ўрнига махсус тортқи илмоқ қўйишни таклиф этишган. Иккала ўқда пневматик тормозлар ўрнатилган. Энди трактор ҳайдовчи тормоз қилдими, тамом, ҳамма прицеп таққа ўз жойида қотади. Бунинг халқ хўжалигимизда фойдасини айтмайсизми? Заводимиз ҳақида соатлаб гапириб тўймайман. Мақтанишга йўймайсиз-да, оқсоқол!

— Йўқ, йўқ, бемалол гапираверинг, қулоғим сиз-да!

Ўртага сукут тушди. Чоллар анча вақт нос отгандек жимиб қолишди.

Равшаннинг кўзи энди илинай деган экан, бобоси:

— Иним, бетга айтганнинг заҳри йўқ, нега менсан ҳеч нарса сўрамайсиз? — деб қолди шикоят қилгандай ҳамсуҳбатига.

Саттор ота аста жавоб қилди:

— Катта дарахтнинг соясн ҳам катта. Сизнинг қандай одам эканингизни набирангизни кўриб билганман. Одамнинг боласи ҳам қуш мисол. Қуш уясида кўрганини қилар эмиш-ку?!

— Ҳа, бундоқ денг!

Азиз отанинг ҳорғин товушида алла қандай қониқиш бордай эди.

ҲАММА УЧУН ҲАЗИНА

Кеч кириши билан Чирчиқ шаҳар, Советская кўчасидаги 21-уйнинг 6-хонаси одамлар билан гавжум бўлиб кетади. Бу ерда турли соҳа кишиларини: инженер ва ўқитувчиларни, ишчи ва студентни, мактаб ўқувчиларини учратиш мумкин. Уларнинг ҳаммаси бу ерга бир сабаб—китобга бўлган чексиз муҳаббат туфайли келишади. Ўз шахсий кутубхонаси кишиларнинг қалбига маънавий озиқ бераётганлигидан бахтиёр уй эгаси Израил Борисовичнинг қўли-қўлига тегмайди. У ҳали бировга китоб танлашда ёрдамлашади, ҳали ўқувчилари қайтарган китобларни жой-жойига теріб қўяди...

Ўша пайтларда — урушдан кейинги оғир кунларда ёқ илм олишга чексиз иштиёқ туфайли китоб йига бошлаган И. Б. Перцигер ўзи тўплаган бу бойлиги ҳеч қачон одамларга шунчалик фойда келтиради деб ўйламаган эди.

Ҳозирги кунда 6 мингдан ортиқ бадиий, тарихий ва хотира асарларни ўзида жамлаган бу бой кутубхона Чирчиқ шаҳри аҳолиси учун севимли масканга айланиб қолди. Унинг шахсий фондидаги нодир китоблар китобхонлар ўртасида айниқса кенг эътибор қозонган.

Израил Борисович меҳнатсевар киши бўлганлиги учун куни билан шаҳар индустриал техникуми талабаларига фан сирларини ўрганиш билан қаноатланмай, ишдан кейин ва дам олиш кунлари ўз шахсий кутубхонасидан шаҳар аҳолиси учун маънавий озиқ бўлаётган китобларни тарқатади. Ёш авлодни коммунистик идеаллар руҳида тарбиялашга ўз ҳиссасини қўшади.

И. Перцигер китобсеварлар жамиятининг энг актив аъзоси сифатида район ва шаҳар газеталарида мемуар адабиётларни севувчилар шаҳар клубининг аъзоларини ўз кутубхонасидаги янгиликлардан тез-тез хабардор этиб туради.

— Мен ўз кутубхонам фондидаги асарлар хусусида шаҳар кутубхоналари қошида махсус каталог очмоқчиман. Бу каталогда менинг бутун китоб фондим ҳақида маълумот, шунингдек, уй адресим ва китоблардан фойдаланишнинг шартлари ёзилган бўлади. Кутубхоналарда топилмайдиган ёки банд бўлган китоблар менинг каталогимда бўлса, китобхон ундаги адрес бўйича келиб бу асардан фойдаланиши мумкин. Уларнинг ҳожатини чиқариш эса мени бахтиёр этади, — дейди И. Б. Перцигер.

Кимнингдир ҳожатини чиқариш, кимгадир қувонч бахш этиш — фақат олижаноб кишиларнингина қўлидан келади. Ўз шахсий кутубхонаси билан халққа беминнат хизмат қилаётган И. Б. Перцигер ана шундай бахтиёр инсондир.

Б. МУҲАММАДИЕВ.

„ПАРВОЗ“ ТАРОНАЛАРИ

Қўшиқ парвоз этади. Унинг дилрабо оҳанглари қалблардаги нозик ҳис-туйғуларни ўйғотади. Ватанга, партияга, сервавқ ҳаётимизга бўлган чексиз қалб ташаккурларини янада жўшқинлантиради.

Ана шундай сервавқ қўшиқлари, дилрабо рақслари билан тингловчиларнинг олқишига сазовор бўлаётган «Парвоз» ашула ва рақс ансамбли 1967 йили В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Восток» клуби қошида ташкил этилган эди.

Ансамбль қатор йиллардан бери Бутуниттифоқ кўрик-конкурсларида ғолиб чиқиб, республикамиз шарафини оқламоқда. У 1975—1977 йиллар мобайнида ўтказилган «Халқ коллективлари ижоди кўриги»да иштирок этиш шарафига муяссар бўлди.

Ансамбль иштирокчилари санъатга меҳр қўйган хушовоз хонанда ва дилбар раққосалардан ташкил топган. «Парвоз» Иттифоқимизнинг зардоб қурилиш объектларида, голиб пахтакорлар, ишчи тенгдошлари ва талабалар ҳузурида ўз санъатларини намойиш қилишни севади. Шунингдек ёш ижодкорлар Москва, Красногорск, Енисей шаҳарларида бўлиб қайтдилар.

Талантли раққоса Ёқутхон Салохова Германия Демократик Республикасининг Дрезден шаҳрида ўтказилган «Ишчи-ёшлар санъати» фестивалида қатнашиб, олтин медалга сазовор бўлди. Эътибор Муллажонова эса Тбилисида ўтказилган Бутуниттифоқ телевизион фестивалида биринчи даражали диплом билан тақдирланди.

«Парвоз»нинг мақтаса арзигулик ижодий фаолияти ва классик санъатимиз намуналарини маҳорат билан ижро этганлиги учун унга 1974 йили «Халқ ашула ва рақс ансамбли» деган юксак ном берилди.

Областимиз колхоз ва совхозларида концертлар беришни ўзимизнинг бурчимиз деб биламиз.— дейди ансамблнинг бадиий раҳбари Ш. Жонайдаров.—Шунинг учун ҳам бизга Тошкент области Ленин комсомоли мукофоти лауреати унвони берилди.

Шу кунларда ёш ҳаваскорлар янги куч ва ғайрат билан ижод қилмоқдалар. Турли халқларнинг куй, қўшиқларини ўрганиб, уларга қайта-қайта сайқал бермоқдалар. Бу эса «Парвоз»нинг КПСС XXVI съезди ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XX съездига муносиб совғаси бўлади.

Ҳ. ИНОҒОМОВ.

Саҳнада ёш ижрочилар

Республикамиз музика санъати тараққиётида ёш ижрочилар ҳам актив иштирок қилиб, турли концерт ва анжуманларда ўзбек, рус, чет эл ва қардош республикалар композиторларининг асарларини маҳорат билан ижро этиб келмоқдалар. Яқинда ўтказилган ёш пианиночиларнинг VI республика конкурси музика жамоатчилиги ҳаётида сезиларли воқеа бўлди. Унда Москва ва Тошкент Давлат консерваториясларининг ўқитувчи ва студентлари, В. Успенский ва Глиэр номидаги республика махсус мактаб-интернатининг ўқувчилари актив иштирок қилдилар.

«Баҳор» концерт зали ва Тошкент Давлат консерваториясининг катта залида ўн кун мобайнида Бах, Бетховен, Лист, Шопен ва Д. Сайдаминова, Г. Мушель каби замондош ўзбек композиторларининг музика асарлари янгради.

Ёш ижрочиларнинг маҳоратини баҳолаш учун концертга таниқли музикашунос ва композиторлардан иборат жюри таклиф қилинди.

— Барча ижрочиларнинг юксак савиядаги тайёргарлигига қарамай, конкурс бошланиши биланоқ бир неча ёшлар етакчилик қилишди ва охир-оқибатда улар мукофотли ўринларни эгалладилар, — дейди жюри аъзоси, таниқли композитор, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Г. А. Мушель. — Бу ижрочиларнинг истеъдодига ҳайрихоҳлик билдиришда ҳамманинг фикри бир жойдан чиқди. Конкурс республикамиз ёш музика ижрочиларининг савияси анча ошиб бораётганини намойиш этди.

Пианиночилар конкурсида Москва Давлат консерваториясининг студенти Э. Миркосимова — биринчи, В. Успенский номидаги мактаб-интернатнинг ўқувчиси Г. Маликова—иккинчи ўринни эгалладилар. Тошкент Давлат консерваториясининг студентлари О. Андреева ва С. Сардаралар эса учинчи мукофотни ўзаро бўлишиб олдилар. Шунингдек, шу олий ўқув юрти студенти И. Меламед ҳам конкурс дипломига сазовор бўлди.

«Баҳор» концерт залида ўтказилган конкурс лауреатларининг якунловчи кўригида Ўзбекистон ССР Давлат симфоник оркестри ҳам иштирок этди. Бу қизиқарли концертда конкурс голиблари яна бир бор ўзларининг истеъдод ва маҳоратларини намойиш қилдилар.

А. ЗЕЙДМАН,
И. АҲМЕДОВА,
Тошкент Давлат консерваториясы студентлари.

ФАХРИМ ЎЗИНГСАН

Мавж уриб жўшар дилимда илҳом мисли уммон,
Қайга бормай ҳамма ер бебаҳо гулшан, жонажон.
Неча ирмоқлар ёйилмиш чўлни чаман боғ этиб,
Сен ўзинг бош онадирсан, сенга таъзим, ассалом,
Бир дақиқа кўзни узмас ҳислатинг севган қуёш,
Шул сабаб халқинг фаровон, тинчлигинг дориламон.
Йўқ сенингдек бу жаҳонда жонга оро кирганн,
Давлатим фахрим ўзингсан тенги йўқ ўзга макон.
Етти иқлимда қиёссиз пахлавон ўғлонларинг,
Кўп латофатли ширин сўз қизларинг қоши камон.
Юксалиш мезони бўлди ўлкамизда пахтамиз,
Пахта устози азалдан ўзбегим бўлсин омон.
Ҳосилдан шохи ларзон боғларингда мевадан,
Шоду ҳуррамлик муборак яшнасин бахтли замон.
Шод бўлиб ёзди фарзандинг давридан, давронидан,
Тушмагай лабсидан асло мўътабар ширин калом.

Абдуғаффор УБАЙДУЛЛАЕВ.

ҚАРДОШЛАРИМИЗ ИЖОДИДАН

МЕН—СУВМАН

Мен — сувман, оддийгина сув. Формулам ҳам оддий. Шунчаки кислород билан водородман. Менинг томчим тошни ўяди. Менинг ҳар бир томчимдан ариқлар, ариқлардан — кўл, ҳатто денгизлар ҳам барпо бўлади. Ўз қудратим билан неча тонналиқ кемаларни кўксимда олиб юраман. Менинг ёрдамимда фабрика ва заводлар ишлайди, яйдоқ даштлар, чўли биёбонлар гуллаб яшнаган боғу-роғларга айланади.

Мен — сувман. Инсонларга оби-ҳаётман. Аммо кўнгли кир одамлар борки, улар — ўз фойдалари йўлида мени истиробга солдилар. Мен бундай қолларга ҳеч нарса деёлмайман.

Мен — сувман, қудратлиман. Одамлар мендан даромад кўришади! Борлиқ атрофдаги трубаларда, фаввораларда, кўча ва майдонларда менинг юрагим уради. Бундоқ қараганда, одамлар мендан беҳисоб фойда кўришади. Лекин баъзи очкўз таъмагирлар бор. Улар мени бочкаларга, челак ва идишларга қуйишади-да, очиқ қолдиришади. Қаерда денг? Қанд — ширинлик жойларида... Нафасимдан қанд бечора шишиб, торозини босади. Борди-ю сутгами, ё ароққа қўшишса-чи? Ҳийлагарлар ҳамёни қаппаяди. Пиво ҳақида умуман гапирмаса ҳам бўлади!

Мени сарсон-саргардон қиладиганларга кўникмасдан иложим йўқ. Айниқса, пивочилардан ранжийман. Аввалам бор пиво заводда, сўнг омборларда, кейинчалик «бар», киоск ҳамда «автоцистерна»ларда юрагимни тилка-пора қилишади.

Мен ўз ўрнимни адабиётда ҳам топганман. Менинг ёрдамимда эса айрим ҳикоялар қиссаларга, повестлар эса романларга айланади.

Илмий ишларда-чи, эҳ-ҳе! Оддий мисол, дарахтдан узилган битта олмани ақл билан кўп қисмларга бўлишса бўлми, икки юзми ё уч юзми варақдан иборат диссертациянинг дастаги яна мен!

Нима қилишга ҳайронман. Ғарқ бўлақолсамми! Иложи йўқ. Ахир ўзим, сувман-ку... Бўғилсамчи? Бу, албатта, мумкин... Фазода-чи, заррача буғман, қўшила-қўшила томчига айланаман. Қорминёмғир бўладирман. Яна ерга қайтаман. Мен — сувман. Мен — боқиман!

Мен йўқ бўлиб кетолмайман. Мен инсонларга керакман. Чўнтагини ўйлаган баъзи кимсалар-чи? Мени йўқ қилолмайдилар. Аксинча, ўшаларнинг ўзлари йўқ бўладилар. Ҳалолни ҳаромга айлантирувчиларни йўқотиш одамларнинг иши.

Мен — сувман. Оддийгина сув... Мен — оби-ҳаётман.

Ахмаджон САЙДАЛИЕВ таржимаси.

Искандар ЭЎТИБОР
Озарбайжон.

ШУНДАЙ БАҲОРКИМ...

Бир юртким бўлди қизил
Дунё харитасида,
Жумлан жаҳон халқларин
Чорлагувчи бир армон...

* * *

Бу бир шундай баҳорким,
Тингласанг аввалидан,
У — ўтмишнинг бўғзидан
Отилган ўтли вулқон.
Портлаган шу вулқоннинг
Ой-куни етгунича,
Қанча йиллар тўлгониб
Қанча диллар бўлди қон.
Йўлларида мушт тугиб
Гоҳ писиб, гоҳ қон қусиб,
Ҳаволанди қанчалар
бало-ю балогардон...

Жон ҳовучлаб, талвасада
Кўз тикдилар знёга.
Этак-ла ёпмоқ бўлди
Бу нурни ҳар бир ҳоқон.
Лекин сўйлаб эртаклар
Қитъалар эртасидан,
Сўнмади знё бир зум
Чақнади дориломон.
Шу знёга тутиб юз,
Миллионлар қалқиди-ю
Ленин даҳосига эш —
Ғояларга тинди жон.
Ва Ер харитасида
Бир юртким бўлди қизил,
Жумлан жаҳон халқларин
Чорлагувчи бир армон...

ОТАЕР.

Тошкентдаги чинни заводи ишчилари ўнинчи бешйиллик планига қўшимча 3 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилдилар. Корхона меҳнат аҳли айни кунларда КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашмоқда. Суратларда: илғор чиннисозлардан Э. Муҳиддинова ва М. Муҳамедовалар иш устида.

А. Тўраев фотолари.

ГАЗЕТХОНЛАР ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

МАРОҚЛИ СУҲБАТ

Акмал Икромов районининг «Ўткир» маҳалласидаги отахонлар чойхонасида СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг асосий йўналишлари лойиҳаси муҳокамасига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Унда партиямизнинг ўн биринчи беш йилликка мўлжаллаган улуғвор режалари ҳақида тажрибали ўқитувчи Ҳаким ака Умаров сўзлаб берди. Филология фанлари кандидати С. Зуфаров, кекса темирйўлчи Б. Султоновлар ҳам партиянинг халқ фаровонлигини ошириш йўлидаги барча режаларини маъқуллашдилар, қўллаб-қувватладилар.

М. АҲМЕДОВ.

ҚОРА ДЕНГИЗ БЎЙЛАБ

Республика туризм ва экскурсиялар Советининг тамаббуси билан областимизнинг бир группа қишлоқ хўжалиги илғорлари Қора денгиз бўйлаб туристик сафарда бўлдилар. Улар украин ёзувчиси Иван Франко номидаги теплоходда қаҳрамон шаҳарлар Одесса ва Новороссийскда, курорт шаҳарлари Ялта, Сочи ва Сухумида бўлишди. Улуғ Ватан урушида қаҳрамонлик намуналарини кўрсатганлар хотирасига қўйилган ёдгорликлар пойига гулчамбарлар қўйишди.

Саёҳатчилар орасида Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози сут соғувчиси Қ. Уркунбоев, Калинин номли колхоз пиллачилик звеносининг бошлиғи Л. Мирубаева, Ғалаба районидаги Ҳамза номли колхоз бригада бошлиғи М. Ўринбоев ва бошқалар бор эди. Илғорлар сафардан катта таассуротлар билан қайтдилар.

Э. ПИРМАМАТОВ.

КОНЦЕРТ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ

Республикамиз пойтахтида ўз гастролларини ўтказган Татаристон санъати усталари Чирчиқ шаҳрида ҳам меҳмон бўлишди. Шаҳардаги машинасозлар маданият саройида республиканинг машҳур артистлари иқросида катта концерт берилди.

Томошабинлар РСФСР ва Татаристон АССР халқ артистлари С. Содиқова, Ф. Насриддинов, Х. Бигичев, Ф. Биктемирова, Р. Саҳабоев ва бошқаларнинг чиқишларини қизғин қутиб олдилар. Миллий қўшиқлар ва лапарлар, айниқса, жозибали янгради.

К. ЎРМОНОВ.

* * *

Шунингдек, редакциямизга ишчи-қишлоқ мухбирларидан **У. Худойбердиев** (Чиноз), **А. Қорабоев** (Тошкент шаҳри), **Х. Боймуродов, В. Логинов** (ҳарбий хизматчилар), **Е. Довутбеков** (Коммунистик) ва бошқалар турли мавзуларда хат-хабарлар йўллашган.

ИШЧИЛАР ТУРИСТИК САЁҲАТЛАРДА

Яхши дам меҳнатга ҳамдам, дейди халқимиз. Бу нақл ўринли эканлигини тушунтириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Завод станоги ёнида туриб меҳнат қилаётган қишининг қайфияти, тетиклиги бевосита у ишлаб чиқарадиган маҳсулот сифатида акс этиши табиий. Буни яхши тушунган Ангрендаги қатор корхоналар маъмурияти ишчи коллективларининг бўш вақтлари мазмунли ва мароқли ўтишига алоҳида эътибор бермоқдалар.

Резина-техника заводи, шаҳар турар-жой қурилиши, бошқармаси, гўшт комбинати ва бошқа бир қатор корхона ҳамда муассасаларнинг ишчи-хизматчилари яқинда Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида бўлиб қайтдилар. Қаҳрамон шаҳарлар — Ленинград — Минск маршрути бўйлаб ўтган туристик саёҳат ҳам ангренликларда яхши таассурот қолдирди. Шаҳарнинг илғор кишилари, ишлаб чиқариш новаторларидан ташкил топган туристлар группаси яқинда Рига — Пярну — Таллин — Ленинград маршрути бўйлаб саёҳатга жўнаб кетдилар.

А. РАЗЗОҚОВ.

ЗИЛЗИЛА ОҚИБАТЛАРИ ТУГАТИЛМОҚДА

Ер сал силкинса ҳаёд Назарбекка олиб қочади. Ўзбекистонлик йигит армиядаги хизмат вақтида пахта йиғимтерими процентини сўраб хат ёзиб тургандек биз ҳар гал Назарбекдан дарак кутамиз. У ерда қандай бўлди экан, талофат йўқмикан? Шу кунларда Назарбек посёлкасига борсангиз зарарланган иморатларни ремонт қилишга ёрдамга келган қариндошуруғларни ҳам, давлат томонидан юборилган қурилиш бригадаларини ҳам учратасиз.

Партия ва ҳукуматимиз зилзила оқибатларини тугатиш юзасидан ғамхўрлик кўрсатмоқда. Бир қатор уйлар ремонт қилиб берилди, яна шундай ёрдам ишлари давом этмоқда. Турли ташкилотлар, идоралар ҳам баҳоли-қудрат қўлларидан келган ёрдами аямаяптилар.

Область матлубот жамияти назарбекликларга қулайликлар яратиб бериш учун сидқидилдан ҳаракат қилмоқда.

Ер қимирлаш эпицентри ва унинг атрофида 46 та магазин бўлиб, ҳаммаси халққа намунали хизмат қилиш учун қурашмоқда. Кейнинги кунларда бу зонада тўртта ошхона очилди, тўртта автолавка кун бўйи уйларга бориб савдо хизмати кўрсатаяпти.

Зилзила вақтида эпицентр яқинидаги Калинин район нон комбинати биноси шикастланган жойлари қисқа вақтда қайта тикланди. Шу билан бир қаторда комбинат ёнида яна қўшимча цех қурилиши бошлаб юборилди.

Зилзила оқибатларини тез тугатиш мақсадида яна иккита ёғоч ва қурилиш материаллари омбори ташкил этилди. Шу вақтгача халққа сотиш учун 50 тонна тунука, саккиз тонна мих, 1700 кубометр қирқилган тахта, 50 кубометр хода, 50 кубометр шпал гарбели, 50 кубометр яхлит поллик материал, 50 минг дона шифер, 550 тонна цемент, 50 кубометр фанерундан ташқари 8 минг сўмлик чинни, 15 минг сўмлик шиша идишлар ва бошқа материаллар келтирилди.

Ер қимирлагандан кейин декабрь ойининг иккинчи ярмида янги универмаг қурилиши бошлаб юборилди. 560 квадрат метр саҳнни эгаллайдиган янги савдо объекти шу ойнинг охирида фойдаланишга топширилади. Бундан ташқари «Хасково» совхози территориясида биринчи квартал ичида учта замонавий типдаги кенг ва ёруғ янги магазин қуриб ишга туширилади.

— Биз бундан кейин ҳам назарбекликларга ёрдам бериш мақсадида қатор тадбирларни амалга оширамиз, — дейди область матлубот жамияти правлениесининг раиси С. Файзиев,— биринчи квартал ичида 1400 кубометр ёғоч, 1200 кубометр тахта, 36 минг дона шифер, 550 тонна цемент ва бошқа қурилиш материаллари халққа сотилади.

Б. ПЎЛАТОВ.

Редактор Н. НАСИМОВ.

ЯНГИ ПОСЁЛКА

Чиноз районидаги «Партия XXIV съезди» совхозида «Ильичевск» намунавий тажриба посёлкаси қад кўтарди. Аҳамият бинокорлар, бу ерда 4,5 миллион сўмлик қурилиш монтаж ишларини бажардилар. Посёлкада умумий саҳни 8 минг квадрат метр бўлган турар жой бинолари, 140 ўринли болалар боғчаси, янги мактаб ва бошқа маданий-маиший объектлар фойдаланишга топширилди. Шунингдек, совхозда 1200 бош қорамолга мўлжалланган чорвачилик комплекси ҳам ишга туширилди.

Ҳозирги кунда посёлкада қурилиш ишлари давом эттирилмоқда. Ўн биринчи беш йилликда бу ерда маданият саройи, стадион, маиший хизмат кўрсатиш уйи ва кўплаб турар-жой бинолари қуриб битказилади.

О. ИСРОИЛОВА.

ЁШЛИКДА БЕРГАН КЎНГИЛ...

Пионер ва ўқувчиларни коммунистик руҳда тарбиялашда мактабдан ташқари болалар муассасаларининг роли беқиёсдир. Бу ўринда Тошкент шаҳар Куйбишев районидаги Ильич номли пионерлар уйи коллективи амалга ошираётган ишлар ибратлидир. Бу ерда 4 тўғарак, 4 клуб ва 2 штаб ишлаб турибди. Уларга район мактабларининг 1170 ўқувчиси жалб қилинган. Ҳамма тўғарак машғулотлари намунали жиҳозланган, - озода, шинам хоналарда олиб борилади.

Тўғарак аъзолари турли темага бағишлаб стендлар чиқаришди. Пионерлар уйи педагогик коллективи ёзги соғломлаштириш даврида шаҳар ва шаҳардан ташқаридаги лагерларда ишлаб, ташкилий-оммавий ишларни амалга ошириш билан бирга тарбиячи, пионервожатий, методистларга инструктив-методик ёрдам бердилар. Педагогик коллектив аъзоларининг деярли ҳаммаси олий маълумотли, ўз ишини пухта билган кишилардир. Қўғирчоқ театри тўғараги раҳбари О. Н. Лазарева, ёш натуралистлар тўғараги раҳбари К. Н. Шверова, бичиш-тикиш тўғараги бошлиғи Ж. З. Севостянова, фото тўғараги раҳбари М. И. Шульманлар узоқ йиллардан буён ёшларга ўз билим ва маҳоратларини ўргатаётирлар.

Бу ерда шаҳар, республика аҳамиятига эга бўлган семинарлар, кўргазмалар ташкил этилаётир. Чунончи, шу йилнинг ўзида ёшлар техник ижодига бағишланган кўргазма, халқ амалий санъатига доир шаҳар кўргазмаси, бош пионервожатийларнинг республика семинари, халқ маорифи ходимларининг шаҳар семинари ўтказилди. Бундай анъаналар бу ўқув йилида ҳам давом этяпти.

Пионерлар уйининг ўқув моддий базаси йил сайин мустаҳкамланиб бораётир. Ўтган ўқув йилининг ўзида район халқ маорифи бўлими қўшимча 10—11 минг сўмлик техник ва ўқув ашёлари олиб берди. Тўғарак раҳбарлари мактаблар билан мустаҳкам алоқада иш олиб борадилар. Пионер ва комсомол ходимлари мактабларнинг бош пионервожатийлари ва комсомол ташкилоти секретарларига доимо инструктив-методик ёрдам бериб келаётирлар. Шунингдек, 50, 171, 210-мактабларнинг синф раҳбарлари ва куни узайтирилган группа тарбиячилари учун ҳам планли равишда семинарлар ўтказилди. Октябрятлар билан ишлаш, мактаб ўқув комиссияси аъзоларининг вазифаси, символика, атрибутлар бўйича тайёрланган методик ишлар район мактабларига тарқатилди. Апрель, май ойида эса «80-йил ёзи» деган методик материаллар комплекти тарқатилди.

Ўқув йили давомида бу ерда мактабларнинг барча ходимлари: комсомол ташкилоти секретари, сиёсий тарғиботчилар, ўқув комиссияси масъул ходимлари, дружина совети раислари, отряд вожатийлар учун ўқувлар ташкил қилинди. Маълум бўлишича, бундай ўқувлар савияси янада яхшиланяпти.

Ўқув планини барча педагог ва тўғарак раҳбарлари тўлиқ бажардилар. Бу ўқув йилида пионерлар уйи турли тўғараклар бўйича 37 пионер-инструкторини тайёрлаб берди. Тўғарак машғулотларини ўтказишда ўқувчиларнинг касб танлашига алоҳида эътибор берилди. Бу мақсадда тўғарак аъзоларининг санъаткорлар, архитекторлар, ишчилар, фотомухбирлар, тўқувчилар, биологолимлар, тикувчилар билан учрашувлари ўтказилди. Ўзбекистон ССР телевизион кўрсатувлар редакцияси пионерлар уйининг жўшқин ҳаётини ҳақида уч марта эшиттириш берди.

ПИОНЕРЛАР ҲАЁТИ

Ёш туристлар тўғараги аъзолари ғўзал пойтахтимиз — Тошкент бўйлаб экскурсия уюштирдилар. Шунингдек, улар табиат музейига, геология ва халқ амалий санъати музейига ҳам экскурсия уюштирдилар. Ёш натуралистлар тўғараги аъзолари Тошкент ҳайвонот боғига, дендропаркка, ботаника боғига экскурсияга бордилар.

Тасвирий санъат тўғараги аъзолари Тошкент кўргазмалар залига борib, ёш рассомларнинг ижодий ишлари билан танишдилар. Қўғирчоқ театри тўғараги қатнашчилари эса республика қўғирчоқ театри цехининг фаолияти билан яқиндан танишдилар. Тикиш-бичиш тўғарагининг бўлажак чеварлари Тошкент модалар уйи ва модалар ателъесини томоша қилдилар.

Пионерлар уйининг аъзолари район, шаҳар ва республика бўйича ўтказилаётган тадбирларда ҳам фаол иштирок этаётирлар. Қўғирчоқ театри тўғараги аъзоларининг «Санъат байрами»да иштирок этиб, шаҳар бўйича биринчи ўринни олганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Рақс тўғарагининг ёш талантлари эса бу конкурсда биринчи марта иштирок этишларига қарамай, 23 хил рақсни намойиш этиб, тўртинчи ўринни эгалладилар.

Бу ерда болаларни ҳуқуқий тарбиялашга доир лекция ва суҳбатлар ўтказилянти. «Инсон ва Қонун», «Ўсмирларни ахлоқий тарбиялаш», «Йигит-қизлар ўртасидаги ўртоқлик, дўстлик алоқаларига доир» темаларда ўтказилган машғулотлар шулар жумласидандир. Пионерлар уйи тўғаракларининг раҳбарлари мактабларда тез-тез бўлиб, илғор тажрибаларни ўрганиб, оммалаштираётирлар. «Юлдузча» клуби бу ўқув йилида 207-мактаб бошлангич синфлари базасида иш олиб борди. Октябрятларнинг «Октябрь мамлакати бўйлаб» саёҳати уюштирилди. Район мактабларининг ўқувчилари техникага доир тўғараклар, айниқса, қизиқиб иштирок этаётирлар. Шунинг учун янги ўқув йилида бундай тўғараклар сони янада кўпайтирилди.

Людмила Павловна Маковская бошчилик қилаётган пионерлар уйи коллективи олдига ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашдек улкан вазифа қўйилган экан, бунинг учун улар ижодий изланадилар, мавжуд резерв ва ички имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда янада кўпроқ, янада самаралироқ меҳнат қиладилар.

М. МАВЛОНОВА.

Спорт

ФУТБОЛЧИЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ТУРНИРИ

Москвадаги Марказий Армия спорт клуби комплексн манежида ФИФАнинг биринчи вице-президенти В. Гранаткин хотира совғини учун ўсмирлар ўртасида халқаро турнир старт олди.

Турнирда 6 команда — СССРнинг биринчи ва иккинчи терма командалари, Москва шаҳар терма командаси, Испания, Болгария ва Германия Федератив Республикасининг ёш футболчилари қатнашмоқдалар.

СССР терма командаси Испания футболчилари билан учрашиб, 2:0 ҳисобида ғолиб келди. Тўпларни 29 ва 42- минутларда Брошин киритди. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди. ГФР—СССР-2 — 1:0, Болгария — Москва —3:2.

КАНИКУЛ КУНЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ

Ўқувчилар қишки каникулларни мазмунли ва қизиқарли ўтказишмоқда. Айримлар шаҳар ташқарисида, тоза ҳавода дам олаётган бўлса, бошқалар фурсатдан фойдаланиб мусобақаларда иштирок этмоқдалар. Ана шундай беллашувлардан бирн Тошкентда бўляпти. Бу мини футбол бўйича республика чемпионатидир. Биринчиликда турли областларнинг 11 командаси куч синашяпти. Тошкент области футболчилари Андижон командасини 8:1, хоразмликларни 6:1 ҳисобида маглубиятга учратиб, Қашқадарё командасига 3:5 ҳисобида ютқазиб қўйдилар. Тошкент шаҳар командаси эса Бухоро футболчилари билан бўлган ўйинда 6:8 ҳисобида ютқазиб, Сурхондарё командасини 7:5, наманганликларни 11:4 ҳисобида маглуб этди.

3 турдан сўнг 6 очко тўплаган сирдарёлик футболчилар олдинда боришмоқда. Тошкент области ва Тошкент шаҳри командалари ҳисобида тўрттадан очко бор.

ПОЛВОНЛАРНИНГ РЕСПУБЛИКА ЧЕМПИОНАТИ

Классик кураш мусобақалари 1981 йилнинг спорт календарида дастлабки биринчиликдан ҳисобланади. Кеча Фарғонада барча область ва Тошкент шаҳрининг 130 га яқин полвони чемпионлик учун мусобақани бошлаб юборди. 8 команда сафида қатнашаётган полвонларнинг 50 га яқини хизмат кўрсатган спорт мастери, СССР спорт мастери унвонларига эга. Бир неча кун давомида мухлислар жаҳон ва Бутуниттифоқ мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиб келаётган К. Фаткулин, А. Баранов сингари кучли полвонларнинг беллашувларини томоша қилишади.

Реклама ва эълонлар

ГОСТУРМАСЛЕКАССЫ СССР

ОМОНАТ КАССАЛАР АҲОЛИГА ТУРЛИ-ТУМАН ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ.

Омонат кассалари Давлат 3 процентли заём облигацияларини сотади ва сотиб олади.

Аҳолининг бу заёмга бўлган қизиқиши йил сайин ортиб бораяпти. Чунки давлат 3 процентли облигациясини ёки халқ ибораси билан айтганда «Олтин заём»ни харид қилиш пул сақлаш ва тўплашнинг энг қулай формаси ҳисобланади. Бундан ташқари, облигацияларга ҳар йили ўтказиладиган 8 тиражда ўйналадиган ютуқдан даромад тўланади.

Облигация заёмларига ҳар бир тираж ўтгандан сўнг ютиш имконияти ортиб боради. Чунки тиражда ўйналган ютуқлар сони заём муддати охиригача ўзгармай қоладн, ютган облигациялар эса ютуқ пули тўлангандан сўнг кейинги ўйинларда қатнашмайди.

Давлат 3 процентли заём облигациялари 10 сўм ва 20 сўмлик қийматда чиқарилади, Ўстига йигирма сўм ёзиб қўйилган қийматли заём облигацияларига 5000, 2500, 1000, 500, 100, 40 сўм ютуқ белгиланган. 10 сўмлик облигацияларга ютуқларнинг ярми тўланади.

Ҳар бир 100 миллион сўмга тиражда 512 минг 560 сўмлик 9400 та ютуқ ўйналади.

СССР ДАВЛАТ МЕҲНАТ ОМОНАТ КАССАЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ БОШҚАРМАСИ.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

КУРАШ КУЧАЙИБ БОРМОҚДА

ГАВАНА, 5 январь. (ТАСС). Сальвадорда ҳокимият тепасида турган реакцион ҳарбийлар ва уларнинг иттифоқчилари — ўтакетган ўнг террорчи гуруҳлар бошлаган қонли жазо чораларининг қурбонлари кўпайиб бормоқда. Инсон ҳуқуқлари Сальвадор комиссиясининг хабар беришича, мамлакатда америкапараст хунта ҳокимият тепасига келганидан буён сиёсий важларга кўра, қариб 13 минг киши ўлдирилган. Биргина ўтган йилнинг ўзида ўнг террор натижасида сальвадорликлардан 10.700 киши ҳалок бўлган. Юзлаб «бедарак йўқолган» ватанпарварлар бу ҳисобга кирмайди. Маъмурлар ана шу ватанпарварларнинг тақдири тўғрисида бирон-бир хабар беришдан бош тортмоқдалар.

МАНАГУА, 5 январь. (ТАСС). Фарабундо Марти номли миллий озодлик фронти раҳбарларидан бири Хоакин Вильялобос бундай деди: Сальвадор хунтаси бошлаган қаттиқ репрессиялар ва Қўшма Штатлар уни зўр бериб қўллаб-қувватлаётганлиги халққа зид диктатурининг қулашига тўсқинлик қила олмайди.

Ватанпарвар кучлар демократик асосдаги ўзгаришлар программасини амалга ошириш учун қурашмоқда. Бу эса ички реакция билан АҚШ империализмига қўқ маяпти. АҚШ империализми мамлакатимизга қурол-ли интервенция қилиш режаларини ишлаб чиқмоқда. Биз Америка агрессиясини даф қилиш учун курашда, деб таъкидлади у, дунёдаги демократик ва тараққийпарвар ҳукуматларнинг, барча халқларнинг бирдамлигига таянамиз.

САЛЬВАДОР. Фарабундо Марти номли Миллий озодлик фронтининг жангчилари бутун мамлакат территориясида ҳарбий операцияларни давом эттирмоқдалар. Ватанпарвар кучлар сафига тобора кўпроқ кишилар келиб қўшилмоқда. Улар қўлларида қурол билан озодлик ва демократияни ҳимоя қилмоқдалар. Суратда: миллий озодлик фронти жангчилари лагерида.

ЮПИ—ТАСС фотоси.

ПЕНТАГОН ВА БЕШИНЧИ ҚИТЪА

СЎНГГИ вақтларда Қўшма Штатлар мудофаа министрлигининг талайгина делегациялари олдинма-кейин Австралияга қадам ранжида қилиб қолишди.

Расмий учрашувлардан ташқари улар Австралия территориясида қурилган ўз ҳарбий базалари ва объектларини тез-тез текшириб турмоқдалар. Ана шу мақсадда қитъанинг ғарбий қирғоғида жойлашган Кокберн-Сауддаги ҳарбий-денгиз базасига бир неча делегация келиб кетди. Бу базани Пентагон ўзининг Ҳинд океанида муттасил сузиб юрувчи авианосец кучларининг қўшимча портига айлантирмоқчи. АҚШ ҳарбий делегацияларидан бири Австралиянинг ҳарбий-ҳаво объектига сафар қилиб, Американинг сўнгги стратегик бомбардимончи «В-52» самолётлари учун фойдаланиш имкониятларини ўрганди. Шу кунларда бу самолётлар Гуам оролидан учиб чиқиб, Ҳинд океанининг катта қисмида айғоқчилик қилмоқда.

Қўшма Штатларнинг бу қитъага қизиқиб қолганлиги тасодифий ҳол эмас, албатта. Бу асосан Қўшма Штатларнинг Ҳинд океани ҳавзасида олиб бораётган ва гўё АҚШ «ҳаётий манфаатлари» «ҳимоя» қилишдан иборат сийқаси чиққан ҳарбий стратегиясининг давомидир.

АҚШ АНЗЮС ҳарбий блоки бўйича ўз шериги бўлган Австралияга катта умид боғламоқда. Шу йилнинг бошида «Нью-Йорк таймс» газетаси Австралиянинг ғарбий қирғоғидаги базалари Ҳинд океанида Америка ҳарбийларининг доимий бўлишини таъминлаш юзасидан узоқ муддатга мўлжалланган планни хабар қилган эди. Планга кўра, Диего-Гарсия оралиқ ҳарбий-денгиз ва ҳарбий-ҳаво базаси бўлиб қолиши, океан қирғоғидаги портлар ва аэродромлар эса тезкор кучларни қўллаб-қувватлаши керак. Бусиз ҳам қитъада америкаликларнинг 40 га яқин ҳарбий объектлари ва иншоотлари мавжуд.

ХАЛҚАРО МАВЗУДА

АҚШ ва Австралия ўртасида имзоланган «стратегик қўллаб-қувватлаш» тўғрисидаги меморандумга мувофиқ Австралия ўзи ола-диган америка қуроллари эвазига қитъадаги базаларда қўшимча америка ҳарбий техникаси ва махсус ускуналарни жойлаштириш ҳуқуқини беришга розн бўлди.

М. Фрейзер бошлиқ ҳозирги Австралия ҳукумати қитъада Вашингтонга доимий ҳарбий базалар бериш билан бирга, мамлакатнинг ғарбий қирғоғида жойлашган ўз ҳарбий объектларини модернизация қилиш тўғрисида ҳам қарор қабул қилди, «Мельбурн» авианосеци бошчилигидаги оператив эскадронини Ҳинд океани сувларида доимий сузиб юриши учун ажратди. Шу йилнинг кузида бу эскадра Жанубий Осиё қирғоқлари яқинида, Ҳинд океанида машқлар ўтказди.

Вашингтоннинг милитаристик йўлидан бориб, Австралия ҳарбий ҳаражатларни муттасил ошириб бормоқда. Ҳукумат шу беш йилликда ҳарбий мақсадлар учун 17,6 миллиард доллар сарфлашни планлаштирмоқда. Бу эса мамлакат ҳарбий бюджетининг йилига 7 процентдан ортиб боришини билдиради.

Бу маблағларнинг кўп қисми чет элдан, айниқса АҚШдан ҳарбий техника сотиб олишга сарфланишни маъмурият очиқдан-очиқ айтмоқда. Маълум бўлишича, Пентагон Австралия ҳарбий-ҳаво кучларига 3,1 миллиард доллар миқдорида энг янги жанговар самолётларни сотишга қарор қилган.

АҚШнинг мақсади Австралия орқали Жанубий Шарқий Осиё мамлакатларини милитаристик йўлга тортиш, Ҳинд океани районида аҳволни янада мушкуллаштиришдан иборатдир.

Яқинда эълон қилинган Совет — Ҳиндистон қўшма декларациясида таъкидлаганидек, Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон БМТнинг Ҳинд океанини тинчлик зонаси, деб эълон қилиш тўғрисидаги Декларацияснни тезроқ амалга ошириш ишида ҳамкорлик қилишга тайёр эканликларини тасдиқлайдилар ва БМТ Бош Ассамблеясининг шу масалага бағишлаб конференция ўтказиш тўғрисидаги қарорини қўллаб-қувватлайдилар, Ҳинд океанида ажнабийларнинг қуролли кучларини кўпайтириш йўлидаги ҳар қандай ниятларини қоралайдилар.

М. КАМОЛОВ, тарих фанлари кандидати, доцент.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41. | Телефонлар: редактор Ўринбосарлари — 333885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир — 325894.

Р. 01713. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64683. В. 1516.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Давр олга бос. Бадиий фильм. 2-серия. 11.25 — Киносаёҳатчилар клуби. 12.25 ва 15.00 Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.20 — Ёшлар ижоди. 16.50 — Коммунистлар ҳақида ҳикоялар. 17.20 — Горнчилар қаердасиз. 17.50 — Мультфильм. 18.35 — Биз БАМни қураяпмиз. 19.00 — Болаларга аталган шеърлар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — КПСС XXVI съезди шарафига. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳужжатли экран. 23.10 — Дунё воқеалари. 23.25 — Концерт.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

11.30 — Мультфильм. 11.50 — Бойчечак. 12.20 — Охирги иккн. Бадиий фильм. 18.00 — Концерт. 18.40 — Ёшлик. 19.10 — КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездига лойиҳаси — умумхалқ муҳокамасида. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ёзувчи ва замон. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Лирик концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Синган тақа. Бадиий фильм. 23.20 — Олам да нима гап?

II

20.05 — Янгиликлар. 20.25— Француз тили. 20.55 — Физика. 21.55 Ираклий Андронников. Бадиий ўқиш. 2-фильм.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 7II да Кузнинг биринчи куни (12.00). Келинлар қўзғолони (19.30), 8II да Абу Али ибн Сино (12.00). Кузнинг биринчи куни (19.30).

МУҚИМИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 7II да Ҳижрон, 8II да Дилафрузга тўрт ошиқ.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Наталья РУБАНОВА раҳбарлигидаги «ИЛЛЮЗИОН КАЛЕЙДОСКОП» аттракциони иштирокида «ЦИРКДА АРЧА» ЯНГИ ЙИЛ ТОМОШАЛАРИ (10, 13, 16 ва 19.30).